

# ЯНГИ ЙИЛДА ЭНГ ЭЗГУ ОРЗУ-УМИДЛАРИНГИЗ РЎЎБГА ЧИҚСИН!

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

## O'ZBEKISTON OVOZI

ЎТМОИЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА



■ 2004-ЙИЛ ■ 1-ЯНВАР ■ ПАНШАНБА ■ 1 (27.176) ■ uzbevozi@sarkor.uz ■ 1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган.



### ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!  
Авваламбор, мана шу файзли оқшомда байрам дастурхонини атрофида жамулжам бўлиб, янги йилни кўтиб олаётган сиз, кадри юртдошларимиз ушбу кутлуг айём билан муборакбод этишдан бахтирман.  
Шу ҳаяжонли дақиқаларда барчамиз кириб келаятган янги йилни катта орзу-умидлар билан қарши олар эканмиз, шу билан бирга, якунига етаётган йилда бошимиздан кечирган муҳим воқеаларни ҳам беихтиёр хаёлимиздан ўтказамиз.  
Очик тан олишимиз керак — ўтиб бораётган йил юртимиз учун осон бўлгани йўқ. Эришилган ютуқларимиз билан бир қаторда биз ўз олдимизга қўйган кўпгина марраларга етиб боришда анча қийинчилик ва тўсиқларга дуч келдик, айрим муаммоларни ечиш оғир кечди. Айниқса, иқтисодий тизимнинг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ хўжалик соҳаси учун нуқул келган об-ҳаво ва табиий иқлим машаққатларини енгиб ўтишга, бу йилги ҳосил учун жуда кўп меҳнат қилишга тўғри келди.  
Шуларга қарамастан, 2003 йил Ўзбекистон тарихида кенг миқёсдаги ислохотларни амалга ошириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш йўлидан изчил олға бориш йили бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.  
Бу ўзгаришлар, аввало, юртимизда бўлаётган катта бунёдкорлик ва ободончилик ишларида, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ўсиш суръатларида, одамларнинг ҳаёт шартлари сезиларли даражада яхшиланиб бораётганида, миллий валюта — сўмимизни мустаҳкамлаш, унинг эркин алмасувини таъминлашда ўз ифодасини топмоқда.

Бундай ижобий ҳолат айниқса халқимиз учун муҳим аҳади-ятга эга бўлган инфляциянинг кескин камайишида, нарх-навонинг жилавланишида яққол намоён бўлмоқда. Бу кўрсаткич 2002 йилда 21 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилда 4 фоиздан ошмагани ҳам буни исботлаб турибди.  
Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-этибори юксалмоқда, хорижий шериклар билан ҳамкорлигимиз қўламини ва самарадорлиги, уларнинг мамлакатимиз иқтисодига кiritиладиган инвестициялари ҳамми ортиб бормоқда.  
Бир сўз билан айтганда, 2003 йилда иқтисодий тизимнинг барча соҳаларида қўлга киритилган натижаларимиз, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистонимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини оширишга, эркин демократик жамият барпо этишга, халқимизнинг ҳаётини юксалтиришга ҳам муносиб хисса қўшди, деса, асло хато бўлмайди.  
Бунинг боисини — аввало диёримизда сақланиб келаятган ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий барқарорликда, миллати, тили, дини ва эътиқодидан қатъи назар, одамларимизнинг онгу таваққулида юртимиздаги тинч ва осуда ҳаётни ҳимоялаш керак, тинчлик учун курашиш керак, деган тушунчанинг тобора кучайиб бораётганида қўшимиз зарур.  
Бунинг боисини — мана шу муборак заминда яшайётган инсонларнинг кескин ўзгариб бораётган дунёқароши, ҳаётга фаол муносабатида, мамлакатимизда ва ён-атрофимизда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси, бугунги ва эртанги кунга бўлган ишончида, деб қабул қилишимиз даркор.  
Мен ана шундай эзгу мақсад ва муддаоларимизни амалга оширишимиз ижодкорли ва бун-

ёдкори бўлмиш сиз, азиз юртдошларимизга, шу йўлда қилаётган фидокорона меҳнатингиз учун, ҳаётимизни янгилаш, ҳеч қандай кам бўлмаган даражага етказиш ишига қўшаётган хиссангиз учун ана бир бор барчангизга таъзим қилишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.  
Мухтарам юртдошлар!  
Санокли дақиқалардан сўнг курантлар садоси юртимизга янги — 2004 йил кириб келганидан дарак беради.  
Биз янги йилда жамиятимизнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини давом эттириш, аввало, изланиш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу тоифанинг ҳаётимиздаги таъсири, улуши ва самарасини ошириш ҳисобидан ҳам давлат, ҳам оила, ҳам инсон иқтисодини юксалтириш мақсадини ўз олдимишга қўймоқдамиз.  
Биз ҳаёт тажрибамизда ўзини оқлаган ибратли анъаналаримиздан ва инсонийлик қадриятларимиздан қўлларимизга дахлдорлик ва ҳаётимизга қўшимиз зарур.  
Мен ана шундай эзгу мақсад ва муддаоларимизни амалга оширишимиз ижодкорли ва бун-

ёнлик ҳисобот йилгилиши узок давом этди. Унда ишчи-хизматчилар, цех бошлиқлари, мухтаassisлар эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган қийинчиликлар ҳақида ўзларининг таҳлилий фикр-мулоҳазаларини очик-ойдин баён этдилар.  
**Фарҳод ШАРИПОВ, корхона директори:** — 2003 йилги сифат кўрсаткичларимиз аввалги йилга нисбатан анча юқори бўлди. Ишлаб чиқариш унумдорлиги ошди. Ишчиларнинг иш ҳақи 25 фоиз кўтарилди. 2003 йилга қадар наMAT (палос) хомашёси ярим тайёр ҳолда Эрондан келтирилган бўлса, эндиликда 100 фоиз ўзимизда ишлаб чиқариш имконига эгамиз. Бу эса экспортга махсулот чиқариш шартини туздирди. Айни пайтда корхонамизга янги асбоб-ускуналар харид қилиш имкониятига ҳам тўла эришдик.  
Мазкур йилдан бошлаб, палос ишлаб чиқариш бўйича 5 та жараённи ўз ичига олган «Хiгона» русумли янги ускуна ишга туширилади. Шу билан бирга Германиянинг «Dilo» компанияси ҳамкорлигида толадан наMAT ишлаб чиқарувчи жиҳазлар келтиришни ҳам режалаштирғанмиз.  
2005 йилгача чет эллик ҳамкорларимиздан олинган сармояларни тушган фойда ҳисобига қоплаш ва яна замонавий ускуналар сотиб олиш ниётишимиз бор. Бунинг учун махсулот айланмасини тўғри ташкил этиб, бозор талабларини чу-

### МЕХРИНГИЗНИ ҚИЗГАНМАНГ...

Гуллар тўкиб баҳор кетар сўрингиздан, Эрта-индин ой ҳам кетар қирингиздан, Нима фойда кўнгилдаги қирингиздан, Меҳрингизни қизганманг бир-бирингиздан.  
Майсалар ҳам бир-бирингизга сўйқалади, Қаранг, ҳатто чумоллар тўй қилади. Нечун ҳасад кўксингизда қуй қалади? Меҳрингизни қизганманг бир-бирингиздан.  
Ким умрини ёмонликка қаратқандир — Одам Ато фарзандларин талатқандир. Яратқан ҳам меҳр билан яратқандир, Меҳрингизни қизганманг бир-бирингиздан.  
Бугун сизга оқ дастурхон тўшар ҳаёт, Таронани тоғорага қўшар ҳаёт. Ҳам сингил, ҳам ёрингизга ўхшар ҳаёт, Меҳрингизни қизганманг бир-бирингиздан.  
Келолмағи энди ҳаргиз тупроқ ёриб, Отангизнинг мазорлари бунча ғариб, Онангизнинг изларини ўпинг бориб, Меҳрингизни қизганманг бир-бирингиздан.  
Бир мурода етгунча кўп йиллар керак, Замонларни ёритгунча диллар керак. Дилларга ҳам диллар томон йўллар керак, Меҳрингизни қизганманг бир-бирингиздан.  
Нақшбандий боболарнинг айвонлари Бўлди олам қўнгилларин осмонлари. Шундай улуг чинорларнинг миғжонлари, Меҳрингизни қизганманг бир-бирингиздан.  
Муҳаббатим, сўз — сехрдан Ватан бўлмай, Мир Алишер айтган шеърдан Ватан бўлмай, Энг аввало у меҳрдан Ватан бўлмай, Меҳрингизни қизганманг бир-бирингиздан.  
Дунёнинг бу полларини топилмайди, Эшикларини тун-кун очиб, ёпилайди. Меҳр кейин дўконларда сотилмайди, Меҳрингизни қизганманг бир-бирингиздан. Сирождиддин САЙИДИ

Қўрақ ўрганган ҳолда махсулотлар оморларда туриб қолмаслиги, уларнинг сифат ва миқдор ҳажмларини тобора ошириб боришга эришмоғимиз керак...  
Йилгилишдан сўнг корхона цехларини айланиб, мухтаassisлар ва ишчи-хизматчилар билан суҳбатлашдик.  
**Мақсуда ҚУРОЛОВА, илгор тўкувчи:** — Қўшма корхона ташкил этилгач, ишларимиз юришти кетди. Моддий ва маънавий рағбат йўлга қўйилди. Қўлай иш шартлари яратилди. Дам олиш ва саломатлик хоналари, маслаҳатхоналар, даволаш шикатхоналари ташкил этилди. Буларнинг ҳаммаси иш унумдорлиги ва махсулот сифатига ижобий таъсир кўрсатди. Ҳозир ишлаб чиқараётган наMATларимизнинг бозори қаққон — ҳаммаси жажон андозаларига мос. Олдингидек оморларда туриб қолаётгани йўқ. Нархи ҳам харидорлар чўнтағига кўтарилган.  
**Бозорбой ҚОЗИБЕКОВ, мастер ёрданчиси:** — Мана, бу сиз кўриб турган янги «Хiгона» ускунасини шу кўнларда синовга тайёрлаёмиш. У бир вақтнинг ўзида наMAT палос ишлаб чиқариш жараёнидаги 5 та ишни бажаради. Масалан, гранула (хомашё) эритилиб, ундан тола олинадиган ва шу эрингизда бўлади. Сўнгра тоиланиб, текисланади, яъни ёйилиб зичланади, наMAT ҳолига келтирилади. Сўнг тайёр махсулот оморга, савадо шаҳобчаларига жўнатилади. Бу бизга махсулот

### САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари Янги, 2004 йил кириб келиши муносабати билан тинчлик, осойишталик, бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этилган самимий қутловларини йўллаган.  
Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиндан қуйдаги мазмунда табриқнома олинди:  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**  
Мухтарам Ислам Абдуганиевич, Янги йил муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз!  
2003 йил Россия — Ўзбекистон муносабатларининг янада мустаҳкамланиши, минтақавий ва халқаро ишларда икки томонлама стратегик шерикликнинг чуқурлашуви билан нишонланди. Дўст ўзбеклар диёрида бўлган вақтими гоятда самимият билан эслайман.  
Янги йилда Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ва ҳар томонлама ҳамкорлик мамлакатларимиз халқларининг фаровонлиги, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида олға томон муттасил ривожланиб бораверишига ишончим комил.  
Мухтарам Ислам Абдуганиевич, Сизга

мустаҳкам соғлиқ ва давлат фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва равақ тилайман.  
Эҳтиром ила,  
**В.ПУТИН, Россия Федерацияси Президенти**  
**Шунингдек, қуйдагилар ҳам давлатимиз раҳбарига ўз қутловларини йўллаган:**  
БМТ Бош котиби Кофи АННАН, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Дания Қироличиси ва Шаҳзодаси МАРГРЕТЕ II ва ХЕНРИК, Буюк Британия Бош вазири Тони БЛЭР, Корея Республикаси Президенти Но МУ-ХЭН, Молдова Республикаси Президенти Владимир ВОРОНИН, Беларусь Республикаси Президенти Александр ЛУКАШЕНКО, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар АКАЕВ, Туркменистон Президенти Сапармурод НИЁЗОВ, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали РАҲМОНОВ.

### ЯНГИ ЙИЛ ОРЗУЛАРИ

Ушбу ҳаяжонли лаҳзаларда қалбда нузли туйғулар уйғонади. Умиримизнинг ўтган бир йили давомида қилинган ишлар, эришилган ютуқлар ҳаёлга келади: янги орзулар пайдо бўлади.  
Янги йил арафасида ватандошларимиздан бир гуруҳига қуйдаги икки савол билан мурожаат этдик: 2003 йил ҳаётингизда қандай из қолдирди? Янги йилда нималарни орзу қиляёсиз?  
Ўз акс-садосини беради.  
2003 йилда кунчиқар мамлакат — Японияда бўлиб қайтдим. Жаҳонга машҳур Сока университети профессори уновонига сазовор бўлдим. Япон адабиёти, санъати, маданиятининг улуг намоёндалари билан учрашиб суҳбатлашдик. Ушбу сафар бир ижодкор сифатида меннинг ҳаётимда унутилмас из қолдирди.  
Утган йилнинг яна бир муҳим воқеаси, шеърларим жамланган тўплам рус тилида нашр этилди. Бу эса халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда ўзига хос ўрин тутди.  
Ўқувчиларнинг хабари бор,




Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири: — Ким қандай тушунса тушунар, аммо кўнглимдаги айтаман: меннинг ҳаётим жамият билан чамбарчас боғланган. Ватанимда содир бўлаётган ҳар бир янгилик, воқеа, тарихий тараққиёт қалбимда

2-6см

### Махсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

## ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

ОЛМАЛИҚДАГИ «ROYONDOZ» ЎЗБЕКИСТОН — ЭРОН ҚЎШМА КОРХОНАСИ ТАРАҚҚИЁТ ПИЛЛАПОЯЛАРИДА



...Йиллик ҳисобот йилгилиши узок давом этди. Унда ишчи-хизматчилар, цех бошлиқлари, мухтаassisлар эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган қийинчиликлар ҳақида ўзларининг таҳлилий фикр-мулоҳазаларини очик-ойдин баён этдилар.  
**Фарҳод ШАРИПОВ, корхона директори:** — 2003 йилги сифат кўрсаткичларимиз аввалги йилга нисбатан анча юқори бўлди. Ишлаб чиқариш унумдорлиги ошди. Ишчиларнинг иш ҳақи 25 фоиз кўтарилди. 2003 йилга қадар наMAT (палос) хомашёси ярим тайёр ҳолда Эрондан келтирилган бўлса, эндиликда 100 фоиз ўзимизда ишлаб чиқариш имконига эгамиз. Бу эса экспортга махсулот чиқариш шартини туздирди. Айни пайтда корхонамизга янги асбоб-ускуналар харид қилиш имкониятига ҳам тўла эришдик.  
Мазкур йилдан бошлаб, палос ишлаб чиқариш бўйича 5 та жараённи ўз ичига олган «Хiгона» русумли янги ускуна ишга туширилади. Шу билан бирга Германиянинг «Dilo» компанияси ҳамкорлигида толадан наMAT ишлаб чиқарувчи жиҳазлар келтиришни ҳам режалаштирғанмиз.  
2005 йилгача чет эллик ҳамкорларимиздан олинган сармояларни тушган фойда ҳисобига қоплаш ва яна замонавий ускуналар сотиб олиш ниётишимиз бор. Бунинг учун махсулот айланмасини тўғри ташкил этиб, бозор талабларини чу-

таннархини арзонлаштириб, унинг сифатини ошириш имконини беради ва янги иш ўринларини қўлайтиради. Бир сменада ўртача 6,5 минг квадрат метргача палос тайёрланади...  
Янги йил арафасида бўлиб ўтган бу суҳбатларимиз сўнггида корхона ишчи-хизматчиларининг «Меҳр ва муруват йили»даги ижтимоий йўналиш борасида кўзда тутган ишлари, кўмакка эҳтиёжманд кишилар, айниқса, болалар, ногиронлар, ёлғиз кексалар ва кам таъминланган оилаларга кўрсатиладиган хайрли режалари билан ҳам танишдик.  
— Махсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники бўлгач, фойда ҳам, самара ҳам ўзимизники, — дейди директор Фаҳр билан. — У қанча кўп ва қанча яхши бўлса «қўйингиздан тўқилса, кўнжингизга» деганларидек, меҳр-муруватли, савобли ишларимиз ҳам шунга яраша бўлади...  
**Зулхумор УРОЛОВА**

**«QUBBOMEBEL»**  
**HONADONGIZ FAYZI**

**TOSHKENT**  
**XALQARO AEROPORTI**





